

ЎЗБЕК ХАЛҚИННИГ ИЖТИМОИЙ ДУНЁҚАРАШИДА ОПТИМИЗМ ВА ПЕССИМИЗМ ЗИДДИЯТЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ

Абилов Ўрол Муродович

Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедрасининг
профессори, фалсафа фанлари доктори

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек халқининг ижтимоий дунёқарашида оптизм ва пессимизм зиддиятларини ҳал қилишниң иқтисодий ва ижтимоий омиллари ҳақида фикрлар берилган.

Кюлч: Иқтисодий, жамоатчилик, индивид, механизми, фавқулодда, хўжалик, оптистик, агросаноат, демографик, чинни, гиламлар, сабзавот нефт, ҳунармандчилик, радиотехника, электроника.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ижтимоий тараққиётда содир бўлган кескин ўзгариш жамоатчилик кайфиятига таъсир қилмасдан қолмади. У ҳар бир инсонда содир бўлаётган ўзгаришларга нисбатан ўз нуқтаи-назарини белгилаб олиш, шахсий келажаги, оиласи ҳақида мулоҳаза юритиш эҳтиёжни пайдо қиласди. Бу эҳтиёж индивиднинг фаоллигига олиб келади, у ижтимоий механизмининг “винтчаси” бўлиб қолмай, ўз тақдири, ўз яқинлари учун масъулиятни зиммасига олади. Илгари фаровонлик даражасининг юқори эмаслиги, кундалик эҳтиёжларнинг таъминланмаслиги каби камчиликларни республика ҳалқ хўжалигидаги бузилишларга олиб келган Марказ ҳисобига йўйган бўлсак, бугунги кунда бундай изоҳ билан ишлаб бўлмайди. Шаклланаётган бозор муносабатлари одамлардан шахсий фаоллик, ташаббускорлик, тадбиркорликни тақозо этади. Чунки давлат томонидан ижтимоий ҳимояланишга қарамасдан, уларсиз ишлаб чиқаришниң самарадорлигини ошириш, демак, аҳолининг озиқ-овқатга, товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин эмас.

Бугунги кунда бозор иқтисодий тараққиётни таъминловчи самарали механизми эканлиги барчага аён. У истеъмолчилар талабини тезда ҳисобга олиш, технологияларни ўзгартириш, юзага келаётган янги эҳтиёжлар ва конъюктурага мослашиш имкониятига эга. Бозор муносабатларини шакллантириш эса зиддиятли жараён бўлиб, бунда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда салбий оқибатлар ҳам кузатилади. Демак, бозор муносабатлари туфайли юзага келадиган вазиятни аниқ кўра билиш ва унга ёндош салбий жараёнларни юмшатиш, фавқулодда чораларни қўлламасдан туриб, ижтимоий тараққиётни кафолатлаш зарур.

Шу сабабли, биринчи босқичда амалга ошириладиган узвий иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар (янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий асосларини вужудга келтириш, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, онгимиздан эскича дунёқарааш қолдиқларини сиқиб чиқаришга йўналтирилиш)нинг асосий мақсади инсондир.

Ушбу муаммолар муайян инсоннинг қизиқишиларини қай тарзда акс эттиради? Уларни амалга оширишда қандай муқобил бўлиши мумкин? Аввало, бу ўринда сиёsat ёки иқтисодиётнинг устиворлигини аниқлаш ўринсиздир. Муаммо диалектик тарзда, яъни сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг мураккаб ва зиддиятли яхлитлиги тарзда қўйилиши керак. Улар бир-бирига таъсир кўрсатиб, янги сифатни юзага келтиради. Щозирги замонда бу - барча манфаатларнинг юзага келишини таъминлай олувчи омил бўладиган демократик, дунёвий давлатни мустаҳкамлаш зарурияти сифатида туғилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг барқарорлигини таъминлаши, ижтимоий- иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиши керак.

Шу билан бирга: манфаатлар тизимининг оптимал фаолият кўрсатиши тизими уларни уюштиришнинг бирдан-бир йўли эмас. Умуман, манфаатлар тизимининг ноёблиги шундаки, бу хусусиятни ташкил этувчи омилларни

белгилай олмайди. Бу ўринда шахсий ва ижтимоий, миллий ва умуминсоний, вақтингчалик ва доимий манфаатларнинг тўқнашувини ҳисобга олиш керак. Бу ҳол манфатларни максимал даражада табақалаштирилишини ва уларни қондиришнинг қатъий навбати ўрнатилишини тақозо этади. Ижтимоий кайфиятнинг оптимилик йўналишининг барқарорлашуви миллий тикланиш жараёнига боғлиқ бўлган бугунги кунда сиёсий манфаатлар биринчи ўринга чиқади. Сиёсий манфаатлар инсон хуқуқи, унинг эркинликларини, амалийлигини таъминлаш кабилар тарзида намоён бўлади. Агарда у таъминланмаса, боғлиқ равишда юзага келадиган бошқа ижтимоий манфаатлар, кайфият тури амалга ошмай қолади. Уларнинг аҳамияти эса катта. Бунга истеъмол бозорини зарур товарлар ва хизматлар билан бойитиш, шаҳар ва қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, агросаноат мажмуаларининг самарадорлигини ошириш, талаб ва таклиф мувозантига эришиш, турар жой муаммосини ҳал этиш, жаҳон андозаларига мос келувчи соғлиқни сақлаш тизимини барпо этиш, атроф-муҳит экологиясини соғломлаштириш, меҳнат маданиятини ошириш, дам олиш шароитини яратиш ва шу кабилар киради.

Уларни қарор топтириш учун нафақат республикада мавжуд салоҳиятга таяниш керак, балки ҳудуднинг, халқининг ўзига хослиги, унинг меҳнат анъаналарига таяниш керак. Гап шундаки, кенг тарғиб қилинадиган “совет турмуш тарзи” - миллатлар турмуш тарзининг ўзига хос томонларини акс эттирмайдиган, фақат давлат манфаатигина ҳукмрон бўлган давлатда маъмурӣ бошқарувга бўйсунадиган моделдир.

Иқтисодий жиҳатдан бундай сиёsat қуйидаги тамойилга асосланар эди: “Менинг турмушим ёмон бўлса майли, фақат қўшним мендан яхшироқ яшамасин”. Табиийки, бундай шароитда ҳатто ҳалол тадбиркорлик ҳам тазиққа учрар эди, аҳолининг аксарияти эса маданий бозорга кириш учун зарур маблағга эга эмас эди. Шу сабабли, бир томондан ташаббуссиз бир ёқлама иқтисодиёт, иккинчи томондан “соядаги” - қўпинча ноҳалол йўл билан

топилган катта маблағлар мавжуд бўлган иқтисодиёт мавжуд эди. Англашиларликки, бундай вазият жамиятдаги оптимистик кайфиятларни қарор топтиришга хизмат қилмас эди. Ўзбекистондаги демографик вазият эса ахволни янада мураккаблаштирас эди.

1991 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда аҳолининг умумий сонидан меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклари - 42,9 фоизни, меҳнатга лаёқатлилари - 49,2 фоизни, меҳнатга лаёқатлилиқдан ошганлар - 7,9 фоизни ташкил этар эди. Бу эса боқимандалик фоизининг юқорилигини англатади, истеъмол даражаси, оила бюджети таркибиغا, узоқ муддат фойдаланиладиган нарсалар билан таъминланганликка, маданий эҳтиёжларни қондиришга салбий таъсир кўрсатиб, оптимистик ва пессимистик кайфиятлар диалектикасида ўз аксини топади.

Иқтисодий худудларга бўлишга асосланган субъектив сиёsat янги ишлаб чиқаришларнинг жорий этилишида камчиликларга йўл қўйишга олиб келди. Монокультурага (фақат пахтагина эмас) йўналтирилиш, сиёсий, қўпинча буйруқбозлик тушунчаларининг иқтисодий вазиятдан устунлиги мавжуд худудий - маъмурий тақсимланишининг оқилона, илмий асосланган қарашларга зид келишига сабаб бўлди. Бунда бозорнинг ишчи кучи билан таъминланганлиги, хомашё ва энергетика базаларига яқинлик, қулай экологик вазият, таъминот имкониятлари эътиборга олинмади. А.К. Бердинцев бозорга ўтиш талабига жавоб бериш шарти сифатида республикани оқилона иқтисодий районлаштиришни унинг маъмурий-худудий тузилиши билан боғлаб олиб борилиши зарурлигини қайд этар экан, у бу масалада мутлақо ҳақдир.

Ҳар бир иқтисодий районнинг ресурс имкониятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва интеграцияни чуқурлаштириш ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлигини ошириш, ишчи кучи кўп худудларда янги иш жойларининг ташкил этилишига олиб келади ва муайян тарзда ижтимоий вазиятни барқарорлаштириб, оптималлаштиради. Айни пайтда бу

ҳол республика ичида локал ҳудудий бозорларни “озиқлантиради”, уларнинг келгуси интеграцияси эса умумреспублика бозорининг нафақат МДҲнинг таркибий қисми сифатидаги, балки бутун жаҳон бозор хўжалигининг таркибий қисми тарзидаги ривожланишини осонлаштиради.

Агар ҳанузгача бозорга қарши ташвиқот мавжуд бўлса (пессимистик кайфиятни ҳосил қилиш ҳам ташвиқот), унга асосланган тушунтириш ишларини қарама-қарши қўйиш керак. Бу фаолият республиканинг қандай реал заҳираларга эга эканлигини кўрсатиши, улардан қай тарзда фойдаланилаётганлигини, бюджетнинг нималар ҳисобидан шаклланаётганлиги, тармоқларг ва бутун қишлоқ хўжалиги мажмуининг истиқболи қандай эканлигини акс эттириши керак.

Табиийки, ресурслар фаоллигини таъминлаш лозим, бу янги инвестициявий ёндашувни, ташқи иқтисодий фаолиятнинг янги йўналишларини, чет эл капиталини жалб этиш учун чегараларнинг очилишига олиб келади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда саноат фондларининг 88,4 фоизи давлатга қарайди, чет эллик инвесторлар эса давлат секторига қўйилмаларни сусткашлик билан киритмоқда. Демак, миллий иқтисодий моддий базанинг замонавийлаштирилишини фақат давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобат муҳитининг яратилиши таъминлаши мумкин. Республика раҳбарияти ҳам кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга, ижарага, акциядорликка, қўшма корхоналар тузишга алоҳида эътибор билан қарамоқда, баҳо, солиқлар, кредитлаш каби механизмлар билан бу жараённи рағбатлантирумоқда.

Республика МДҲ давлатлари ва бошқа хорижий давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни анча ривожлантириди. Мустақилликнинг иқтисодий асоси тобора ривожланиб, республикадаги тараққиётнинг оптимистик йўналтирилишини таъминлайди. Бунга чет элга пахта толаси, шойи, қорақўл териси, газ ва қатор маҳсулотлар (чинни, гиламлар, сабзавот консервалари, нефт ва қишлоқ хўжалигига оид ярим тайёр маҳсулотлар, хунармандларнинг

ишлари) кабиларни сотишиш ишлари киради. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига пахта териш ва қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозларини етказиб бериш йўлга қўйилмоқда. Республиканинг яна бир муҳим захираси - ишчи кучини банд этиш масаласи ҳам ҳал этилмоқда. Бу куч самарали равишда ишлатилиши учун унинг малакасини, маданий савиясини кўтаришга эътибор бериш керак.

Инвестициялар самарадорлиги ва ижтимоий шароитларни оптималлаштириш очиқ иқтисодий худудлар ташкил этиш йўли билан ҳал қилиниши мумкин. Масалан, бундай худудлар Самарқандда, Бухорода, Фарғонада ташкил этилиши мумкин. Щозирча, бундай худудлар йўқ. Аммо вилоятлар ва уларнинг раҳбарларининг мустақиллиги, муайян ресурслардан эркин фойдаланиш хуқуқи иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш жараёнларини тезлаштириш имконини беради. Бунда чет эл сармоялари ҳам жалб этилиши мумкин. Бу эса иккита муҳим вазифани ҳал қилишга ёрдам беради. Булар: 1) Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш (бироқ, ҳали республика истеъмолчисига зарур микдорда эмас), иш ўрнларини кўпайтириш. Бу эса халқнинг фаровонлигига, жамиятнинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади; 2) Ўзбекистонликлар бевосита жаҳон фани, энг янги технологиялар, дунё маданияти билан яқиндан танишиб боради.

Англашиларликки, республика иқтисодий базасини ривожлантириш ва замонавийлаштиришда тараққиётнинг оптимистик йўналишини белгиловчи асос сифатида фақат хорижий инвесторларга суюниш нотўри йўл хисобланади. Маълумки, хорижий бизнесменлар қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма корхона ташкил этишдан унчалик манфаатдор эмас. Улар яхшиси хомашёни улгуржи нархларда сотиб олиб, тайёр маҳсулотдан олинадиган фойдани сақлаб қоладилар. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишловчи енгил ва машинасозлик саноатларида қўшма корхоналар ташкил этиш қийин кечади. Ўзаро ҳамкорлик тараққиётининг суратига жаҳон саноат марказларидан

қанчалик узоқликда жойлашғанлық, учинчи мамлакат орқали алоқа қилиш мураккаблиги, коммуникациялар ва алоқа воситаларнинг ривожламаганлиги ҳам таъсир кўрсатади.

Шу сабабдан ҳозирги кунда ўзаро ҳамкорликнинг стратегик концепцияси устида жадал иш олиб борилмоқда. қўшма корхоналар фаолиятидаги асосий жиҳат - мавжуд ишлаб чиқаришни илғор технологияни ўзлаштириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтиришdir. Бунга мисол тариқасида Андижон вилоятида Жанубий Корея фирмалари билан автомобиллар ишлаб чиқариш, Тошкент ва Бухорода видеотехника, радиотехника, электроника, замонавий компьютер тармоқлари ишлаб чиқаришни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу кабилар мустақил Ўзбекистоннинг илмий-техник тараққиётининг асосини ташкил этади.

Иқтисодиётнинг асосий соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигидага ўзаро ҳамкорлик, аввало, давлат мулкини жамоа мулкига айлантириш, фермерларни зарур кредитлар, техника, минерал ўйтлар, озуқа, уруғлик билан таъминлаш йўли билан фермерликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бунинг асосида янги иқтисодий муносабатлар шаклланиши лозим. Улар бир томондан республиканинг кризисдан чиқишига ёрдам берса, иккинчи томондан жамиятда оптимистик кайфиятларни озиқлантирувчи, улар учун моддий асос ва қўшимча туртки берувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистонда ислоҳотларни олиб бориш жараёнидаги ўзига хос равища тезлаштирувчи омиллардан бири миллий руҳият, муайян турмуш тарзи, меҳнатсеварлик ва хусусий мулкка кабилар кўринади. мумкин. Бундай хусусиятлар асрлар оша сақланиб келмоқда. Ушбу омиллар бевосита иқтисодий ўзгаришлар (хусусийлаштириш, давлат таассурифидан чиқариш) билан бирга аралаш турдаги бозор иқтисодиётининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Бунда давлат соҳаси ўз устиворлигини сақлаб қолади. Чунки, иқтисодий таркибий ўзгаришларнинг бош ташаббускори ва амалга оширувчиси хисобланган давлат айни пайтда ижтимоий муҳофазани

таъминлаши, аҳоли турмушини турли иқтисодий ва ижтимоий сакрашлардан кафолатлаши мумкин.

Ўша пайтларда бундай моделнинг ривожланиши кўп жиҳатдан хусусийлаштириш шакллари ва суратига боғлиқ бўлиб қолган эди. Негаки, бундай жараён жамиятимиз учун янги номаълум бўлганлиги туфайли олимлар, амалиётчилар, хўжалик эгалари орасида кўплаб мунозараларга сабаб бўлган эди. Туғилган қатор саволлар муқобил жавобларга ҳам эга эди. Масалан, нималарни хусусийлаштириш керак? Хусусийлаштиришни қандай амалга ошириш керак? Беғараз тарзда, қолдиқ қиймати бўйича ёки аукцион шартлари асосида сотиш керакми? Жаҳон амалиётининг тажрибасига қўра, хусусий ва давлат секторлари устиворликларини бирлаштириш, жамоа мулки имкониятларини, корхоналар ва хўжаликларни биргаликда бошқариш зарурлиги ва бошқалар. Ўтиш даврида совет тузуми шароитида юзага келган турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари, Осиё халқларининг ўзаро муомала ва ҳамкорлик хусусиятлари эътиборга олиниши лозимлигини талаб қиласар эди.

Республикадаги савдо муассасаларини давлат таассурифидан чиқариш мисолида кенг миқёсли хусусийлаштириш ва давлат корхонасига бозор муносабатларини жорий этиш имтиёзларини дарҳол сезиш мумкин. Улар монополияни барбод этади. Жаҳон хўжалик амалиёти тажрибасига қўра, иқтисодиёт ривожига, энг аввало, супермонополия тўсқинлик қиласади. Собиқ иттифоқининг мақсадли сиёсати натижаси ўлароқ юзага келган монополия бу сиёсатни амалга ошириш воситаси бўлиб, ягона халқ хўжалиги мажмуаси томонидан яратилган марказлаштирилган бошқарувга ёрдам беради. Агар мамлакатимизда амалга оширилган саноатлаштириш ва тикланиш йилларини эслага олсак, бундай бошқарув самара бергани кўринади. Маъмурий буйруқбозлик тизими барбод бўлгач, бундай сиёсат янги бозор муносабатларининг шаклланишида асосий тўсик бўлиб қолди.

Айниқса, хорижий инвестициялар ва эски монополиялар йирик концернлар, акциядорлик жамиятлари, компанияларга айланса, бундай куч

катта хавф тұғдиради. Бу эса нафақат шаклланаётган тадбиркорлар, балки истеъмолчиларнинг ҳам супермонополияларга қарамлилигини оширади. Чет эллик сармоядорлар эса фактат тез фойда күришни күзлаб, иш юритганларды туфайли, республиканинг миллий манбаатлари четда қолиб кетади. Бу борада ташқи иқтисодий фаолият хизматлари муҳим вазифа бажарышлари талаби юзага келади. Масалан, экспорт структурасини ўзгартириш лозим бўлади, чунки фактат хомашёни (айниқса пахтани) олиб чиқиб кетиш мақсадга мувофиқ эмаслиги, кучли енгил саноат ва текстил саноатини ривожлантириш ҳамда нафақат республикада, балки жаҳон бозорида ҳам тайёр маҳсулот билан савдо қилиш талаби ва имконияти юзага келади.

Буларни амалга ошириш борасидаги маҳсус дастурда Президентимиз томонидан кўрсатилган иккита тамойилни ҳисобга олиш керак.

Биринчидан, ўз маҳсулотини чет элда сотмайдиган бирон-бир корхона хорижий инвестицияларни ола олмайди.

Иккинчидан, ҳар бир корхона мустақил равищда чет эллик ҳамкорларни топиши ва самарали ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқ жараён сифатида майдонга келади.

Фактат шу томонларга риоя қилингандагина очиқ иқтисодиёт яратилади. Шунингдек, монополияларни енгиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, натижада товарлар ва хизматларни арzonлаштириш, хуллас жамоатчилик кайфиятини ошириш имконияти туғилади. Монополияни барбод қилиш борасидаги саъй-харакатлар Ўзбекистон Республикасининг кучли ва қатъий риоя қилинувчи солиқ сиёсатига таяниши мумкин. У нафақат ишлаб чиқариш соҳаларини имтиёзли тарзда рағбатлантиришга йўналтирилган, балки товар массасини оширмайдиган воситачилик шаклларига таяниши зарур.

Солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетларни бойитишга, маблағлари ижтимоий дастурларга қаратилган бўлса-да, бироқ уларнинг сунъий тарзда ошириш йўқотишларга олиб келади. Чунки бунда корхоналар ва фуқаролар манбаатдорлиги таъминланмай қолади. Демак, имтиёзли солиқ усулларидан

фойдаланиш мумкин. Масалан, олий тоифали жиҳозлар ва илғор технологиялар шулар жумласига киради.

Ишлаб чиқаришни монополиядан халос этиш яна бир жиҳатдан барқарор ижтимоий оптимизм билан ҳам боғлиқдир. Уни халқаро миқёсдаги мутахассислар, чет элда юқори малакали ва тажрибали мутахассисларни ёки чет элликларни жалб этмасдан туриб, амалга ошириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг Биринчи Президент И.А.Каримов бу ҳақда қуйидагича фикр билдирган: “Яхши тайёрланган менежер, бозор иқтисодиётининг ўзгаришларни яхши билувчи, маркетинг, менежмент, молия ва кредит масалаларини яхши билувчи тадбиркор кадрларга эга бўлмасдан туриб, ўйламасдан давлат таассаруфидан чиқариш, корхонанинг малакасиз ходимларга топшириш, таназзул ёқасига олиб бориб қўйиш мумкин эмас”. Айнан шундай мутахассислар воситасида давлат ижтимоий-иктисодий жараёнларини оқилона юритишида катта таъсирга эга. Бу эса қўплаб одамларга, уларнинг руҳиятига таъсир кўрсатади. Бирок, бунинг учун давлат томонидан рақобатни мустақил равищда назорат қилиш, унинг ишончли тизимини қарор топтириш лозим.

Хусусийлаштириш стратегияси мавжуд тажрибага кўра, фақат мослашувчан ва бир ёқламалиқдан холи бўлгандагина ижобий натижалар беради. Яъни, “кичик хусусийлаштириш” (турап жой, майда савдо обьектлари ва майший хизмат корхоналари кабилар)ни йирик хусусийлаштириш (йирик ва ўрта корхоналар мулкни меҳнат жамоаларига ижарага бериб, мулкни чеклар орқали тарқатиш, ушбу мулкни сотиб олиш учун кредит ажратиш, улушбай усулида қатнашиш учун акциялаштириш, аралаш турдаги корхоналар тузиш) билан бирга олиб боришни талаб қиласди.

Ўзбекистонда бозор тузилмалари ва муносабатлари шаклланиши жараёнини ижтимоий ўзгаришлар белгиламоқда. Шунинг баробарида қуйидаги зиддият юзага келди: бир муаммо янги муаммоларни туғдиради. Демак, бундай зиддиятни бартараф этишнинг йўли иқтисодий ислоҳотларни

амалга оширишдаги узвийлик ва мажмуавийлиқдир. Ижтимоий тизимларда мустақил автоном элементлар бўлмаганидек, шакланаётган бозор шароитида ҳам ишга туширилган умумий ва маҳсус омиллар ва шартлар бўлмаслиги керак.

Бозор – ўз ичидағи барча таркибий қисмлар ўзаро эркин мулоқотда бўлган шароитдагина фаолият кўрсата олади. Бунда пуллар, уларнинг эркин муомалада бўлиши муҳим роль ўйнайди. Бу жараёнлар фақат давлат тузилмаларининг аралашувидан батамом халос бўлган тақдирдагина эркин бўла олади. Бу бозорнинг умуман тартибга бўйсунмаслигини англатмайди. Лекин бунда фақат иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш амалга оширилиб, турли хил мансабдорлар ҳоҳиши-иродасига бўйсунилмайди. Иқтисодий омиллар (нарх, солиқ, кредитлаш) эркин чакана бозорни рағбатлантиради ва ҳаракатлантиради. Улар қатъий мувофиқлаштирилган тизимни ташкил этиб, бунда давлат асосий ролни ўйнайди. Давлат бозор хўжалиги устиворликларининг стратегик сиёсатини ишлаб чиқаради, бироқ субъектларининг фаолиятига аралашмайди.

Давлатнинг ўзи ҳам субъект бўлиши мумкин, чунки давлатнинг иқтисодий сектори сақланиб қолинади. Стратегик аҳамиятга эга бўлган ресурслар - уран, рангли ва қимматли қазиб олиш, сув заҳираларидан фойдаланиш юзасидан мажбурий назорат ўз кучини йўқотмайди. Ўзбекистонда бундай тартиб босқичма-босқич, пухта ўйланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса ижтимоий ва шахсий оптимизмнинг амалий асоси сифатида намоён бўладиган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш узок давом этадиган, мураккаб, зиддиятли жараён эканлигини билдиради. Бунда нафақат иқтисодий алоқа ва муносабатлар, балки одамларнинг фикрлаш тарзи, гоявий устиворликлари, дунёқарashi ва руҳияти, кайфияти ўзгаради. Эскича фикрлаш тарзини йўқ қилмасдан туриб, инсон омилини фаоллаштиришга эришиб бўлмайди. Буни эса фақат мустақиллик ва суверенитеттинг таъминлай олади.

Республикада мавжуд мулкчиликни турли шаклларига асосланган иқтисодий стратегия Ўзбекистон халқлари фаровонлиги йўлида ривожланаётган халқ хўжалиги ва тобора жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми бўлиб, у инсонпарвар демократик жамият яратиш асоси бўлиб, инсон, фуқаро, шахс хуқуқларини таъминловчи шароит ҳозирламоқда. Республиkaning мустақиллигини таъминлаётган иқтисодий шарт-шароитлар жамоатчилик кайфиятини кўтарувчи энг муҳим омилларга йўналтирилади. Бу, биринчи навбатда, ресурс ва фондларни сақлаш йўлида иқтисодий ривожланишни таъминлаш билан ахоли фаровонлигини таъминлаш зарурати ўртасидаги зиддиятдир.

Бундай зиддиятни Ўзбекистон мустақил равища ва чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда ҳал қилиши зарур. Бусиз табиий заҳираларни, арzon ишчи кучини, мавжуд инфратузилмани фаоллаштириш мушкул. Булардан фойдаланишда ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ва ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш муҳим. Аграр-мустамлақачилик тизим ўrniga миллий даромад таркибида салмоғи тобора ошиб борувчи ҳамда хомашёга дастлабки ишлов бериш ва ярим тайёр маҳсулотлар олишда жаҳон андозалари даражасидаги тайёр маҳсулот олинишини таъминловчи ривожланган саноат талаб этилади. Бунга эришилса, Ўзбекистоннинг ялпи даромади 2 маротаба, миллий даромад эса 3 маротаба оширилишига эришиш мумкин.

Фақат барқарор ривожланган бозор шароитидагина Ўзбекистон мустақиллигини таъминлашда оптималь омил яратилади. Улар фақат иқтисодий эркинлик, кенг кўламли тижоратлаштириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларига тадбиркорликни жорий этиш, айни пайтда ҳарбий харажатлар ва самарасиз бошқарув харажатларини қисқартириш, расмиятчиликка барҳам бериш ижтимоий тараққиётга хизмат қила олади. Шу сабабларга қўра, тадбиркорликни ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш керак, деган саволга жамоатчилик томонидан бир овоздан “Халал берманг!”- деб жавоб берилган.

Ўзбекистоннинг Халқаро ҳамжамиятга қабул қилиниши, дунёning 150 дан ошиқ мамлакатлари билан ўзаро teng алоқалар ва дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши янги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш истиқболларини кенгайтирди. У бир томондан эркин иқтисодий худудни товарлар, хизматлар олди-сотди бозорлари, ишчи кучи ҳаракатлари билан бойитса, иккинчи жихатдан Марказий Осиёдаги бошқа минтақаларда ҳам алоқаларни ривожлантириш имконини беради. Бу ҳақда Марказий Осиё республикалари, Қозогистон, Эрон ва Тожикистон ўртасида 1992 йилнинг 8-10 майида битим имзоланди. Бу ҳол республикада ва одамлар ҳаётида фаровонликнинг ошиб бориши, демак оптимитик руҳнинг қарор топишини кўрсатади.

Давлатлараро янги алоқаларнинг ишлаб чиқариш тузилмаларининг таркиб топиши нафақат янги иқтисодий вазиятни, балки, янги сиёsatни ҳам тақозо этадики, шу боисдан, булар аксарият кўплаб давлатларнинг асосий ривожлантирувчisi бўлганлиги қаби Ўзбекистоннинг ҳам ижтимоий ривожланишини оптималлаштурувчи муҳим омиллар сифатида ҳисобланган ва бугунги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаганлигини доимо эътиборда тутмоқни талаб қиласи.